**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**“Ўзагроинспекция” бошлиғи**

_____________ **А. Вахабов**
2021 йил “9” ноябрь

## “Ўзагроинспекция” тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар

## Д А С Т У Р И

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш. | 2021 йил ноябрь | Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси Ж.Мирсаидов, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими Б.Рахимов |
| 2. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупция келтириб чиқариш хатарлари мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида фукаролар ва ходимлар ўртасида Инспекциянинг телеграм месенжеридаги каналда ва “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида “Коррупцияни бирга енгамиз” мавзусида ижтимоий сўров ўтказиш ва сўров натижаларини таҳлил қилиб унинг омилларини бартараф этишга қаратилган “йўл харитасини” ишлаб чиқиш. | 2021 йил декабрь<br>2022 йил май | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов |
| 3. | Инспекциянинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида Инспекцияда вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумотларни жойлаштириш ва янгилаб борилишини таъминлаш. | Доимий | Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими Х.Шодиева, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 4. | Инспекция ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнида жамоатчилик вакиллари иштирокини, шунингдек, онлайн тарзда ўтказилишини жорий қилиш орқали шаффофликни таъминлаш. | Доимий | Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими Б.Рахимов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 5. | Инспекция Марказий аттестация комиссияси томонидан ўтказиладиган аттестацияни, шунингдек ходимларни юқори мансабга тайинлаш бўйича танлов жараёнининг реал вақт режимида интернетда онлайн трансляция қилиниши юзасидан таклифлар тайёрлаш ва онлайн трансляция қилиб бориш. | 2021 йил ноябрь-декабрь<br>2022 йил давомида | Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими Б.Рахимов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 6. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларида ишлаётган ходимларни жой-жойига қўйиш бўйича масалаларни қайта кўриб чиқиш. Бунда узоқ вақт давомида битта лавозимда ишлаб келаётган ходимларни аниклаш ва уларни бошқа лавозимларга ўтказиш бўйича ички ротацияни амалга ошириб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2022 йил январь-февраль | Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 7. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ижтимоий аҳволини ўрганиб бориш тизимини жорий этиш. Бунда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кўп болали ходимлар рўйхатини шакллантириш | 2021 йил ноябрь-декабрь<br>2022 йил давомида | Кадрлар бошқармаси Ж.Сафаров, Касаба уюшма раиси А.Ғаффоров, |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| | ва уларнинг холидан хабар олиб туриш ҳамда заруриятга кўра, моддий жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш. | | Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 8. | Инспекция тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатиш. | 2021 йил ноябрь 2022 йил давомида | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 9. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларига коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрлаш ва тарқатиш. | 2021 йил ноябрь 2022 йил давомида | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 10. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш. | 2021 йил ноябрь -декабрь 2022 йил июнь | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 11. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни (давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар рўйхатини) Инспекциянинг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш. | Доимий | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Жамоатчилик билан |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| | | | алоқалар бўлими Х.Шодиева, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 12. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олиш тизимини жорий этиш орқали шикоятлар келиб тушишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2021 йил ноябрь | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси Ж.Мирсаидов, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими Б.Рахимов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 13. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларида товар-моддий бойликларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш, бунда ходимларнинг иш ҳажми ва эҳтиёжидан келиб чиқиб моддий бойликлардан фойдаланишни назорат қилиш. | Доимий | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 14. | Давлат харидлари бўйича ҳар бир товар позицияси кесимида харид нархларини вилоятлар ва республика бўйича таҳлил қилиб бориш, нархларни энг мақбул бўлишига эришиш. | Ҳар ой | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| | | | Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 15. | Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни амалга оширишни, бунда, ҳудудларга ёки Инспекция таркибий бўлинмаларига комплекс текшириш учун юборилган ходимларга хизмат сафари ҳаражатларини қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ажратиш ҳамда йўл ҳаражатлари, меҳмонхона ва овқатланишга ишлатилган маблағларни шартнома ёки фақат ходимнинг пластик карточкасидан тўланганлигини тасдиқловчи чеклар тақдим этилганда ушбу харажатларни қоплаб бериш тизимини жорий этиш. | 2022 йил январь | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 16. | Инспекция тизимида ходимларга ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини мониторинг қилиб бориш. | Доимий | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 17. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниклашнинг ягона механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш. | 2022 йил март | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғаффоров, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими Б.Рахимов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| 18. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларида мансаби юқорироқ бўлган ходимнинг шахсий ишларини (кўчадаги ишларни битиртириши, фарзандини таълим муассасасидан олиб келтириши ва ҳ.к.) амалга ошириши учун ўзидан пастроқ лавозимда бўлган ходимга кўрсатма берганлиги юзасидан мониторинг ўтказиш бўйича календарь режасини ишлаб чиқиш ва натижасига кўра айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича раҳбариятга таклиф киритиш. | Календарь режа асосида | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 19. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш. Бунда мураккаб бўлган давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциявий бўшлиқлари мавжуд бўлган нормаларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2021 йил ноябрь-декабрь | Ҳуқуқий таъминлаш ва халкаро-ҳуқуқий муносабатлар бўлими Х.Машарипов, Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов, Инспекция марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 20. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларининг давлат хизматларини кўрсатувчи ходимлари хизмат хоналарида тезкор рейдлар ҳамда “Сирли мижоз” тадбирларини ўтказиш ва календарь режасини тасдиқлаш. | Календарь режа асосида | Техникалар ҳолатини назорат қилиш бошқармаси А.Мирзааҳмедов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 21. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмаларининг давлат хизматларини кўрсатиш бино ва хоналарида хизматларнинг махфийлигини саклаган ҳолда реал | 2021 йил ноябрь-декабрь | Молиялаштириш бошқармаси А.Ғафforов, |

| Т/р | Ташкилий чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|
| | вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган (Инспкцияда) аудио ва видеокузатув тизимини жорий этиш. | | Техникалар ҳолатини назорат қилиш бошқармаси А.Мирзааҳмедов, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 22. | “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУКда амалга ошириладиган аккредитация доирасига мувофиқ Агросаноат мажмуи маҳсулотлари синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини босқичма-босқич рақамлаштириш, шифрлаш (код) тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2021 йил ноябрь-декабрь | Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси Ж.Мирсаидов, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |
| 23. | Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупцияга қарши курашишда халқаро коррупцияга қарши курашувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2022 йил январь | Коррупцияга қарши ички назорат бўлими А.Очилов |
| 24. | Мазкур Дастурнинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида Коррупцияга қарши ички назорат бўлимига маълумот киритиш. | Дастурда белгиланган муддатларда | Инспекция марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК |

**Коррупцияга қарши ички назорат**
**бўлими бош инспектори** **А. Очилов**